

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

ЖАНИБЕКОВ БОБИР ОМОНОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ОЛТИН МАЪДАНЛИ КОНЛАРИ ҲОСИЛ
БЎЛИШИНING СТРУКТУРАВИЙ-ТЕКТОНОФИЗИК ШАРОИТЛАРИ
(АУМИНЗАТОВ ВА БЕЛТОВ ТОҒЛАРИ)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, излаш ва қидируви.
Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Жанибеков Бобир Омонович

Марказий Қизилқум олтин маъданли конлари ҳосил бўлишининг
структуравий-тектонифизик шароитлари (Ауминзатау ва Белтов тоғлари)...5

Жанибеков Бобир Омонович

Структурно-тектонифизические условия образования золоторудных
месторождений Центральных Кызылкумов (горы Ауминзатау и Бельтау)..23

Janibekov Bobir Omonovich

Structural tectonophysical conditions of gold deposits formation in Central Kyzyl
Kum (Auminzatau and Beltau mountains).....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

ЖАНИБЕКОВ БОБИР ОМОНОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ОЛТИН МАЪДАНЛИ КОНЛАРИ ҲОСИЛ
БЎЛИШИНING СТРУКТУРАВИЙ-ТЕКТОНОФИЗИК ШАРОИТЛАРИ
(АУМИНЗАТОВ ВА БЕЛТОВ ТОҒЛАРИ)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, излаш ва қидируви.
Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.1.PhD/GM29 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Минерал ресурслар институтида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбекча, русча ва инглизча (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Турапов Мирали Камолович**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Цой Владимир Дениевич**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Колоскова Светлана Максимовна
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **«Уранкамёбметгеология» ДУК**

Диссертация химояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 й. «___» январь соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49; факс (99871) 140-08-12; E-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (рўйхатга олиш рақами №___). Манзил: 100060, Тошкент ш., Т. Шевченко кўч., 11а. Тел.: (+99871) 256-13-49.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги «___» рақамли реестр баённомаси).

Р.А. Ахунджанов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, г.-м. ф.д.

К.Р. Мингбоев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

Х.А. Акбаров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, академик, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида маъданли конларнинг ҳосил бўлиш шароитларини аниқлаш, уларни башоратлаш ва иқтисодиёт тармоқларини олтин минерал хомашёларга бўлган эҳтиёжларини узликсиз таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Олтин дунёнинг кўплаб давлатлари иқтисодий ривожланишида асосий минерал хомашё ҳисобланади. Бу борада олтин минерал хомашё базасини кенгайтириш, унинг генетик хусусиятларини ишончли аниқлаш, шунингдек олтин маъданлашувининг шаклланиши мавжуд конларнинг атрофи ва чуқур горизонтларида янги олтин маъданли конларни башоратлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида конларнинг ҳосил бўлиш жараёнини аниқлашда тектоника ва геологик структуралар муҳим роль ўйнайди. Олтин маъдан ҳосил бўлишининг структуравий-тектонофизик шароитларини аниқлаш бўйича кўплаб илмий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Канада, Россия ва Хитойда асосан ер қобиғининг кучланиши, деформацияси ва геодинамик шароитларини илмий асослашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай илмий ёндашув олтин маъдан конларини башоратлаш, аниқлаш ва баҳолаш самарадорлиги ишончилигини ошириш имконини беради. Шунинг учун ҳар бир худуднинг структуравий-тектонофизик шароитларини чуқурроқ тадқиқ қилиш янги истиқболли майдонларни башоратлашга имкон яратади.

Республикада маъдан ҳосил бўлишини аниқлаш бўйича кенг қамровли ишлар давом етмоқда, жумладан, фойдали қазилма конлари ҳосил бўлишинининг тектонофизик экспериментал модели яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир худуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада маъданли конларнинг ҳосил бўлиш структуравий-тектонофизик шароитларини аниқлаш, башоратлаш ва олтин минерал хомашёларни комплекс тадқиқ қилиш бўйича илмий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минералресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорларида

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Геотектоникада экспериментал тектоника усилида ер қобиғи участкасининг кучланиши ва тоғ жинслари деформациясининг тадқиқотларидан анчадан бери фойдаланилади. Тектоника масалаларини ҳал қилишда, тектонофизика назарий асосларини ишлаб чиқишда, геология ишлари амалиётига назарияни жорий қилишда, моделлаш принципларини ва эквивалент материаллар рецептини ишлаб чиқишда М.В. Гзовский, В.И. Лучицкий, Д.Н. Осокина, П.М. Бондаренко, Н.Ю.Цветаева, В.Д. Парфенов, А.А. Черчагин, О.И. Гушенко, С.И. Шерман, И.Г. Гутерман, М.А. Гончаров, К.Ш. Семенский, О.В. Лунина, В.А.Королев, М.К. Турапов ва бошқалар ўзининг хиссаларини қўшдилар.

Узилмали бузилмалар ва бурмали структураларни шаклланиш механизми, тоғ жинслари деформацияларини физик аспекти, уларнинг ривожланиш давридагиси ҳамда турли участкаларида тектоник кучланишни тақсимланиш характери ўрганилди. Плиталар тектоникаси назарияси асосида спрединг, коллизия, субдукция ва б. кўринишлар экспериментал ўрганилди.

Бироқ геологик муҳитнинг тектонофизик хусусиятлари ва деформацияларининг маъдан ҳосил бўлиш жараёнлари билан ўзаро алоқалари, уларнинг маъдан ҳосил бўлишига таъсири ўз ечимини топмаган. Ер қобиғидаги геологик жараёнлар тектоник кучланиш ва деформация иштирокида содир бўлган. Марказий Қизилқумда бу муаммонинг ечими тектоник кучланиш ва деформация фонида маъдан назорат қилувчи структураларни ва шаклланиш механизми аниқланди. Уларнинг маъдан ҳосил бўлиши билан алоқалари белгиланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Минерал ресурслар институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 992-сон «Ўрта ва Жанубий Тянь-Шан худуди потенциални комплекс ўрганиш ва қайта баҳолашни қимматбаҳо, рангли, қора ва ноёб металллар учун истиқболли майдонлар ажратиш» (2013-2015) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ауминзатов ва Белтов тоғлари олтин маъданли конларининг ҳосил бўлишида кучланиш ҳамда геодинамик шароитларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олтин маъданли майдон ва конларининг геологияси, структуравий тузилиши ва шаклланиш қонуниятларини белгиловчи асосий омилларни аниқлаш;

маъдан ҳосил бўлишининг геологик ва структуравий жойлашиш шароитларини аниқлаш;

олтин маъдани намоён бўлган майдонларнинг кучланиши ва деформациясини тадқиқ этиш;

ўрганилган объектлар атрофида янги истиқболлини баҳолаш мақсадида башоратли излаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ауминзатов ва Белтов тоғлари, Довғизтоғ ҳамда Омонтойтоғ конлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Ауминзатов ва Белтов тоғларининг тектоник кучланганлик, деформация ҳамда уларнинг олтин ҳосил бўлиши билан боғлиқ хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари қуйидагилардан иборат:

маъдан ҳосил бўлишининг шаклланиш шароити ва жойлашишининг геологик-структуравий тахлили усули;

экспериментал тектоника усули;

геодинамикани реконструкция қилиш усули;

муайян башоратлаш усули;

геологик ахборот тахлилининг статистик усули.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олтин намоёнлари ҳосил бўлиш шароитлари ва конларда маъдан жойлашиши учун қулай позициялар аниқланган;

маъданли майдон геологик ривожланиши босқичларида тоғ жинсларининг кучланиш ва деформацияси, уларнинг макондаги ориентацияси, морфологияси ва мураккаблик даражаси билан боғлиқлиги асосланган;

блоклар вертикал-горизонтал ҳаракатланиши таъсирида олтин маъданли минераллашуви намоён бўлган ва кучланиши паст тарқалган участкаларда, нейтраллашган зоналарда конлар шаклланиши асосланган;

Довғизтоғ, Омонтойтоғ ва истиқболли участкаларда шаклланиши геодинамик жиҳатдан фаол ер ёриқларининг очилиш ва чўзилиш деформацияси намоён бўлган зоналари шаклланганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ўтказилган тадқиқотлар натижасида тектонофизик ва геодинамик башоратлаш-излаш омиллари ишлаб чиқилган;

Довғизтоғ ва Омонтойтоғ конларининг атрофида олтин маъданлашувининг янги саноатбоп уюмларини топишга истиқболли бўлган участкалар ажратилган;

истиқболли участкаларда излаш-қидирув ишлари олиб бориш бўйича аниқ режимли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Маъданли район майдонининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатини ўрганиш бўйича ўтказилган ишлар вақтида олинган натижалар Ауминзатов ва Белтов олтин маъданлашувли объектларнинг статистик тахлили маълумотлари билан тасдиқланади, тектоник кучланган майдонларда геодинамик шароит узилмаларнинг, тектоник блокларнинг, локал чўзилиш зоналарининг

фаоллиги билан ифодаланади. Бундан ташқари геофизика маълумотларини интерпретацияси ва аэрокосмотасвирларни дешифрлаш натижалари Ауминзатов ва Белтов ҳамда улар атрофидаги ёпиқ худудларнинг структуравий-тектоник тузилишини аниқлаштириш имконини берди. Юқорида қайд қилинган районларнинг структуравий элементлари тоғ жинсларининг кучланиши ва деформацияланганлиги билан ўзаро боғлиқ, бу яна бир бор маъданли районнинг кучланиш-деформацияланишини ўрганиш бўйича ўтказилган тектонофизик тадқиқотларни ишончлилиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ер қобиғининг кучланган участкалари ва геологик ривожланишининг барча босқичларида ривожланиши, геологик тузилиши, структуравий-тектоника элементлари, морфологиясива макондаги позицияси, геологик мухитнинг таркиби билан боғлиқ. Бу эса уларнинг деформациясини белгилайди. Шу сабабли бу худудда улар билан боғлиқ турли хил истиқболли олтин маъданли фойдали қазилмалар ҳосил бўлиши учун шароит юзага келганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ауминзатов ва Белтов тоғларидаги олтинга истиқболли баҳолашдан, излаш-қидириш ишларини ўтказишни аниқ майдонларини кўрсатишдан иборат. Фойдали қазилмаларни башоратлаш ва геологик қидириш ишларини тўғри йўлга қўйишга йўналтирилган мақсадли лойиҳаларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ауминзатов ва Белтов тоғлари олтин конларининг ҳосил бўлишини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ауминзатов ва Белтов тоғларида олтин конларининг ҳосил бўлишида структуравий-тектонофизик шароитлари «Марказий Ўзбекистон геологик-съемка излаш экспедицияси» Давлат корхонасида амалиётга жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 04/22-спр-сон маълумотномаси). Натижада ёпиқ майдонларда қидирув ишларини олиб боришда ер қобиғи структураларини ва тектоник кучланишларни аниқлаш самарадорлигини имконини берган;

Ауминзатов ва Белтов тоғларида олтинга истиқболли ва уни башоратлаш-қидирув мезонлари «Марказий Ўзбекистон геологик-съемка излаш экспедицияси» Давлат корхонаси фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 04/22-спр-сон маълумотномаси). Натижада Омонтойтоғ кони флангларида қидирув ишларини олиб бориш имконини берган;

олтинга истиқболли ва уни башоратлаш-қидирув мезонлари «Довғизтоғ геология қидирув экспедицияси» Давлат корхонасида амалиётга жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 04/22-спр-сон маълумотномаси). Натижада Довғизтоғ кони флангларининг металлогеник баҳоланиши ҳамда кейинги геологик-излаш ишларини ташкил этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари 3 халқаро ва 7 республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика, ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, 5 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 148 бетда ва 34 та расм ҳамда 2 та жадвални ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган. Тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича тегишли маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Регионнинг геология ва тектонофизика жиҳатдан ўрганилганлик тарихи**» деб номланган биринчи бобида регионнинг геологик ривожланиш тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу ҳудуд жуда мураккаб тектоник тузилишдан иборат. Дастлабки тадқиқотлар натижасида регион геосинклинал системасига мослигини аниқлаб берди ва бу система кембрий давридан илгари вужудга келганлиги эътироф этилди. Бу система ўз ривожланиш тарихида бир неча тектономагматик цикллارни ўз бошидан кечирган.

XX асрнинг охирида геологияда плиталар тектоник илмий ғоя ҳукм суриб келмоқда. Бу ғоя асосида регионда плиталар тўқнашуви асосида ҳосил бўлган тектоник элементлар ажратилди, улар билан боғлиқ бўлган магматизм жараёни ўрганилди. Регионнинг магматик тоғ жинсларини генетик хусусиятлари ажратилди, шунингдек улар билан боғлиқ маъдан ҳосил бўлиши ҳам ўрганилди. Гранитоидларни формацион тахлили асосида уларни металлогеник ихтисослиги аниқланди.

Регионал ва муайян даражадаги геофизик ишларни қўллаш натижасида палеозой фундаментини тектоник тузилиши аниқланди. Чуқур қатламда ётган магматик тоғ жинсларини шакли, таркиби, чуқурлиги тўғрисидаги маълумотлар олинди.

Ер қобиғи ривожланишининг мобилистик назарияси нуқтаи назаридан ўтган асрнинг 90 йилларнинг бошларида регионнинг геологик ривожланиши тарихида геодинамик шароитни очиб бериш бўйича тадқиқотлар амалга

оширилди. Натижада Ер қобиғида бўлиб ўтаётган турли хил физикавий-кимёвий жараёнлар регионни геодинамик ҳолатини белгилаб бераётгани аниқланди. Геодинамик ҳолат тектоник элементларни, блокларни ҳаракатга келтириб магматизм ва маъданлашув жараёнларига ўз таъсирини кўрсатди.

Регион намоён бўлган минераллашувни чуқур ўрганиш натижасида эндоген конларни ҳосил бўлиш қонуниятлари аниқланди ва бу конларда маъданни жойланишини назорат қилувчи омиллар аниқланди. Шу кунгача маълум бўлган барча олтин, кумуш, вольфрам, уран конларининг геологияси, маъданлари, минерал таркиби ва геохимёси мукамал ўрганилди.

Диссертациянинг **«Ауминзатов ва Белтов тоғларида олтин маъданлашувини шаклланиши ва жойлашиши қонуниятлари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий қисми ёритилган.

Ўзбекистон ва атроф худудлардаги олтин маъданлашувини жойлашиш қонуниятлари муаммоси, уларни геологик, структура-тектоник, минералогия-геохимёвий хусусиятлари билан ўз вақтида Х.М. Абдуллаев, Х.А.Акбаров, И.А.Айзенштейн, К.Л.Бабаев, С.Т.Бадалов, Р.П.Бадалова, А.Т.Бендик, Х.Н.Боймухамедов, В.Г.Горьковец, И.М. Голованов, Д.М.Грименецкий, И.Т.Дегтяров, Г.В.Касавченко, В.А. Королев, Н.Н. Королева, С.Я. Клемперт, М.М.Мансуров, М.М.Мартинов, А.В.Мухин, И.В.Петровская, Л.З.Полей, М.М.Пирназаров, В.Ф.Проценко, Л.Ш.Булатова, Х.Р.Рахматуллаев, М.К.Турапов, И.Х.Хамрабаев, В.А.Хорват, Р.В.Цой, В.Д.Цой, Г.М.Чеботарёв, С.Д.Шер, А.Д.Швецов ва бошқалар шуғулландилар.

Жанубий Тянь-Шанда олтин маъданлашувининг жойлашиш қонуниятлари, маъданлиликни ўрганиш Х.Р.Рахматуллаев, И.Х.Хамрабаев, Ю.В.Тимофеева ва бошқаларга маъданлашув назорат қилишни асосий омилларини ажратиш имконини берди: геотектоник, литологик, структуравий ва магматик.

Геотектоник омил. Жанубий Тянь-Шан металлогеник минтақаси чуқур кўндаланг узилмалар билан учта секторга бўланади. Ҳар бир сектор бир-биридан ўзининг геологик тузилиши, тектоникаси, магматизми, металлогеник кўриниши ва эррозион кесими билан ажралиб туради. Регионнинг геология, тектоника, магматизм ва маъданлиги Урал ва Тянь-Шаннинг туташини сабабли намоён бўлган.


Литологик омил. Ю.С.Савчук (1998) Марказий Қизилқумнинг маъданли объектларида бир қатор олтин маъданли формациялар ажратди, улар ёши ва минерал-геохимёвий хусусиятлари бўйича, шунингдек қамровчи мухити билан ҳам ажралиб туради: а) каледон циклининг олтин-кварцли формацияси (Мурунтоғ, Шарқий, Песчаное). Маъдан қамровчи формация – метавулканоген-сланец-карбонат-кремнийли [R₃], карбонат-кремний-метатерригенли (V-С?), кремний-карбонат-терригенли (С₃-O₂); б) вольфрам-олтин-кварцли, каледон цикли (Мурунтоғ, Мютенбой, Триада, Бесапантоғ, Оёккудук). Маъдан қамровчи формация-карбонат-метатерриген (V-С), кремний-карбонат-терригенли (С₃-O₂), терриген-полимиктли (O₃-Si); в) вольфрам (?) – олтин маъданли (Марказий Мурунтоғ, Бесапантоғнинг айрим томирлари). Маъдан қамровчи формация – кремний-карбонат-терригенли

ҳосилалар (O_3-Si); г) олтин –сульфидли-(кварцли) герцин (Кокпатас, Томдибулоқ, Балпантоғ). Маъдан қамровчи жинс – метавулканоген ҳосилалар (P_2); кремний-вулканоген-терригенли ҳосилалар (D_2-C_2); метавулканоген-кремний-карбонат-сланецли-ҳосилалар ($V- \epsilon$); д) олтин-сульфидли герцин цикли (Довғизтоғ, Асаукак, Омонтойтоғ, Сориботир, Тошбулоқ, Кумбогут). Маъдан қамровчи формация – кремний-карбонат-терригенли (ϵ_3-O_2); терриген-полимиктли (O_3-Si); карбонатли-кремний-метатерригенли ($V- \epsilon$); е) олтин-кумуш-кварцли киммерий цикли (Високовольтное). Маъдан қамровчи муҳит – карбонатли жинслар (D_2-C_2); метавулканоген-сланец-кремнийли [R_3]; кремнийли-метатерригенли ҳосилалар ($V- \epsilon$) ва терриген-полимиктли ётқизиқлар ($O-S$).

Магматик омил. Регионнинг эндоген маъданли конларини маконда жойлашишида ва шаклланишида етакчи омил И.Х.Хамробаевнинг маълумотига кўра кўрилатган худуднинг олтин маъданли минераллашуви I ва II фаза интрузивларининг қуйилиши (диоритлар ва гранодиоритлар) баъзида III фаза (гранитлар) билан боғлиқ.

Структуравий омил. Биз томонимиздан Белтовда бажарилган тадқиқотлар бўйича олтин намоёнлари структуралар таъсирида шаклланган. Структуравий позицияларнинг тахлили бўйича уларни еттита гуруҳга бўлиш мумкин: шимолий-шарқий узилмалар зонаси, шимолий-ғарбий узилмалар зонаси; узилманинг эгилган зонаси; узилмаларнинг кесишган зонаси; синдирилиш зонаси; субпараллел узилмалар зонаси ва понасимон структуралар зонаси қабилар. Бу еттита структуравий позицияда Белтовнинг олтин намоёнларининг барчаси шаклланган. Структуравий позицияларнинг кенг диапозони тектоник шароитнинг турғун бўлмаганлигини кўрсатади.

Ауминзатов ва Белтов тоғларининг олтин маъданли намоёнларнинг тақсимланиши структуравий позициялар бўйича турличадир (1-расм).



Структуравий позициялар: 1-шимолий-шарқий узилма зонаси; 2-шимолий-ғарбий узилма зонаси; 3-узилманинг бурилиш зонаси; 4-узилманинг шохланиш зонаси; 5-субпараллел узилмалар зонаси; 6-понасимон структура зонаси; 7-узилмаларнинг кесишган зонаси

1-расм. Ауминзатов (А) ва Белтов (Б) олтин маъданли намоёнларининг структуравий позициялар бўйича тақсимланиши

Ауминзатовда олтин намоёнларини минимал миқдори узилмаларнинг кесишган жойида жойлашган. Шимолий-шарқий узилмалар ва уларнинг

шоҳлаган жойлари билан маконда 23 % намоён боғлиқ. 19% маъдан намоёнлари параллел узилмалар ва понасимон структураларда аниқланган. Олтин намоёнларининг энг кўп миқдори (27%) шимолий-ғарбий узилмалар билан боғлиқ.

Ауминзатов ва Белтов тоғлари тектоникаси ва тузилишини ўрганиш, уларнинг структура-тектоник тузилишида кўп фарқ борлигини кўрсатди. Бу эса уларнинг ҳосил бўлишида турли геодинамик шароитда шаклланганлигидан далолат беради. Блокли тузилиш турли структуравий элементларнинг ривожланишини таъминлади, бу эса олтин маъданлашувини шаклланиши ва жойлашишига ёрдам берди.

Ауминзатов ва Белтовнинг ҳамда олтин маъданлашувини намоёнларининг геофизикавий хусусиятлари. Тадқиқот олиб борилаётган худудда регионал ва муайян даражада геофизика тадқиқотлари олиб борилди (И.А.Фузайлов, Ю.С.Савчук, С.О.Борисов, О.Мордвинцов ва б.), бу ишлар чуқурликда геологик тузилишни ўрганишга ва регионнинг маъданлигини баҳолашга қаратилди. Регионал геофизик аномалияларда кўрилаётган худуднинг геофизикавий позиция манфий гравиметрик майдонларга мансублиги билан белгиланади.

Геофизик аномалияларнинг олтин маъданли намоёнлари билан ўзаро алоқаси тахлилининг кўрсатишича олтин намоёнларининг энг кўп сони гравитация майдонининг кучсиз манфий ва кучсиз мусбат кўрсаткичлари билан боғлиқ. Бу ерда районнинг 65% олтин намоёни тўпланган.

Ауминзатов ва Белтов тоғларининг ва олтин маъданлашувини намоёнларининг космоструктуравий хусусиятлари. Марказий Қизилқумнинг аэрокосмотасвирларини дешифрлаш натижасида О.М.Борисов, А.К.Глух, Ш.Э.Эргешевлар томонидан космоструктуралар аниқланган. Бунда жуда аниқлик билан регионал шимолий-ғарбий, шимолий-шарқий узилмалар зонаси, палеозой фундаментининг контури, интрузив массивлар чегаралари ажратилади. Янги аниқланган космоструктуралардан яримхалқали зонани айтиб ўтиш мумкин, у Ауминзатов ва Белтовнинг жанубий қисми охиридан шарққа қараб чўзилади ҳамда шимолий-шарқий йўналишда Томдитоғ марказидан ўтиб секин-аста йўқ бўлиб кетади. Чизикли структуралар ичида узилма шаклидаги – шимолий-шарқий, шимолий-ғарбий ва кенглик йўналишидаги узилмалар ажратилади.

Ауминзатов ва Белтов тоғларининг тектонофизик хусусиятлари ва олтин маъданлашувини шаклланиши. Геологик жараёнлар ва тоғ жинсларининг деформациясида қатнашувчи тектоник кучланишларни ўрганиш биринчи даражали аҳамиятга эга. М.В.Гзовский, И.В.Лучицкий, Д.Н.Осокина, П.М.Бондаренко, Л.И.Цветаева, М.А. Гончаров ва бошқаларнинг кўрсатишича тектоник жараёнларнинг баъзи аспектларини моделлаштириш усули ёрдамида тадқиқ қилиш мумкин. М.В.Гзовский томонидан ишлаб чиқилган тектонофизик моделлашнинг назарий асосларида ўхшашлик усулига қуйидаги принциплар асосида амал қилиш керак: 1) моделни объектларда ўхшашлигини таъминлаш; 2) табиий объектларда содир бўлган жараёнларни тўғри танлаш; 3) табиий объектларда бирга

ҳаракат қилувчи омилларни айрим-айрим ўрганиш; 4) моделни табиий объектларга тўлиқ ўхшашлигини кетма-кетликда таъминлаш; 5) олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш. Ушбу принципларга амал қилиб бошланғич босқичда регионал тектоник кучланиш ва деформация майдонида районнинг тектонофизик хусусиятлари ўрганилди.

Тадқиқотлар ўтказиладиган майдон Ауминзатов ва Белтов тоғлари бўлиб, модел асосини шимолий-ғарбий ва субкенглик йўналишидаги ўзаро туташган узилмалар ташкил қилади. Маъданли майдонда тектоник кучланиш ўзгарувчан бўлиб, нейтралдан кучлигача ўзгариб туради. Уларнинг майдонлари нисбати ҳам ўзгарувчан бўлади. Намоён бўлишига қараб биринчи ўринда кучсиз урунма кучланишлар ўлчами, ундан кейин ўртача кучланишлар майдони туради. Кучланишнинг юқори даражали концентрацияси узилмаларнинг туташган зоналаридаги субкенглик узилмаларнинг бир-бирига яқинлашган участкаларида кузатилади. Узилмали бузилмалар бўйлаб тектоник кучланиш бир хил эмас.

Ауминзатов ва Белтов тоғларининг тектонофизик ҳолати қуйидагилар билан белгиланади: узилмали структураларнинг борлиги; уларни сиқивчи кучлар йўналишига нисбатан макондаги ўрни. Кучланишлар миграцияси, уларнинг концентрацияси даражаси узилмалардан, улар морфологиясидан, фаоллигидан ҳамда бошқа ҳар хил ҳодисалар билан алоқалари билан боғлиқ. Эндоген олтин маъданлашуви кучланишларнинг кучсиз ва ўртача катталиклари майдонларида, шунингдек кучланишларни нейтраллашган участкалариданамоён бўлади.

Барча узилмали бузилмалар регионал тектоник режим шароитида тектоника жиҳатидан фаоллашади. Бу жараёнлар натижасида тектоник блокларнинг силжиши узилмаларнинг туташган ва кесишган участкаларида очилиш зоналари ҳосил бўлади. Узилмали структуралар ҳаракатга келди. Уларнинг фаолиги ўзларининг мураккаблашганликлари ва макондаги ориентациясига боғлиқ.

Регионал сиқилиш даражасининг юқориликка қарамай узилмали структуралар ва бошқа тектоник элементлар Ауминзатов ва Белтовмайдонларида ривожланишининг маъдан олди босқичида тектоник жиҳатдан кучсизланиб қолди. Узилмаларнинг фаоллиги, блокларнинг горизонтал силжиши кўп сонли чўзилиш зоналарини ҳосил қилди, бу зоналарда кучланиш нолга тенг бўлди. Ҳар бир чўзилиш зонасининг шаклланиши узилмаларнинг тектоник фаоллик механизмига ва геодинамикага бўйсинади. Барча чўзилиш зоналари юқори ўтказувчанликка эга бўлган участка бўлиб, у ердаги тоғ жинслари чўзилиш натижасида дарзланиш, метасоматик ўзгаришга учраган. Олтиннинг жуда кўп намоёнлари шу чўзилиш зоналари билан боғлиқ.

Белтовнинг тектонофизик хусусиятлари. Тектоник кучланишнинг катталиги бўйича Белтов майдонининг кучланиши жуда кучсиз. Кучланишнинг ортиши шимолий-шарқий узилмаларни кўндаланг структуралар билан туташган тугунларида кузатилади. Регионал тектоник кучлар таъсирида кучланиш-деформацияланиш ҳолати Белтовда узилмали

структуралар ва геодинамика билан аниқланади. Узилмаларнинг фаоллиги блокларни силжитиб юборади, бу жараён ҳар бир блокнинг кучланиш-деформацияланиш ҳолатини белгилайди.

Белтов худудининг барчаси маъдан олди ва маъданли босқичда тектоник фаол ҳолатда бўлган. Ва бу кучланиш-деформацияланиш ҳолатини ўзгаришига олиб келди ҳамда янги структуравий элементларни ҳосил қилиб структуралар бўйлаб кучланишни тақсимланиши контраст шаклланишини таъминлади, деформацияни ўзгартириб юборди, ҳамда структуралар бўйлаб локал сиқилиш ва чўзилиш зоналарини ҳосил қилди. Узилмалар эса тектоника жиҳатидан камроқ кучланишли бўлиб қолди. Бундай барча хусусиятлар мос мухит (роҳат қалин қатлами) билан комплексда ер қаъридан маъданли қарашмаларни циркуляцияланишига мос шароит яратди ва узилмалар бўйлаб қоришмаларни ҳаракатга келтириб маъданли элементларни маъдан муайянлантирувчи структураларда муайянланишига олиб келди.

Олтин намоёнларининг 90% дан кўпроғи қамровчи жинсларнинг минимал тектоник кучланган ва деформацияланган зоналарида пайдо бўлган, бу эса Белтовда атроф ёпиқ майдонларда олтин маъданлашувини башорат қилиш ва излашда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ауминзатовнинг тектонофизик хусусиятлари. Тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича майдон моделида тектоник кучланиш нолдан ўртача катталиқгача ($\tau=12 \text{ г/см}^2$) етади. Нейтрал, кучсиз, ўртача кучланишлармайдонларини моделда тарқалиши нисбатлари 1:8:1 ни ташкил қилади. Улар жуда нотекис тарқалганлар. Кучланишнинг энг юқори кўрсаткичи шимолий блокнинг майдонини эгаллайди, бу ерда кучсиз ва ўртача кучланишнинг катталиги нисбати 1:1 га тенг. Марказий блокда бу мувозанат бузилиб, ўртача кучланиш катталиги блокнинг 4% майдонини эгаллайди, уларнинг пайдо бўлиши узилмаларнинг туташуви зонаси билан боғлиқ. Жанубий блокда кучланишнинг ортиши кузатилмайди. Шундай қилиб, Ауминзатов майдонида шимолдан жанубга қараб унинг кучланиш-деформацияланган ҳолати секин-аста камаяди. Кучланиш ва деформацияланишни бундай бўлиши майдоннинг блокли тузилиши ҳамда субпараллел шимолий-ғарбий узилмаларнинг борлиги билан тушунтирилади.

Ауминзатов геодинамикасидаги ўзгарувчанлик ва унинг кучланган-деформацияланган ҳолати геологик ҳодисаларни, шу жумладан маъданли жараёнга таъсир қилади. Олтин тарқалишининг нотекис намоён бўлиши бунга гувоҳ бўлади. Ауминзатовда олтин намоёнлари тарқалишини статистик тахлили кўрсатишича жанубий блокда 18 участкада олтин намоён бўлган, марказий блокда 8 участкада, шимолий блокда 20 участкада мавжуд.

Ауминзатов тоғи кучланиш-деформацияланиш ҳолатининг олтин маъданли жараёнлар билан ўзаро алоқаси борлиги аниқ. Тахлилнинг кўрсатишича олтин намоёнларининг 72 % дан кўпроғи кучсиз кучланиш майдонлари билан, 10% га яқини нейтрал зоналар билан, қолган қисми эса ўртача кучланиш майдони билан боғлиқ.

Омонтойтоғ маъданли майдонининг тектонофизик хусусиятлари ва шаклланишининг геодинамик шароити. Омонтойтоғ маъданли майдонининг позицияси унинг понасимон тектоник блокга мансублиги билан белгиланади. Бу блокнинг чегаралари Контраст ва Альбит узилмалар бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида маъданли майдон доирасида олтин маъданлашувини жойлашишини чегаралайди. Маъданли майдоннинг тектонофизик позицияси тектоник кучланишнинг регионал майдонида юқори кучланишли зонага мансублиги билан белгиланади.

Понасимон маъданли майдонда кучланиш-деформацияланиш ҳолати ўрганилди. Кучланишлар тақсимланиши контраст тус олган. Кучланишлар концентрацияси узилмалар туташган тугунларида кузатилади. Блоксимон тузилиш понасимон майдонни геодинамик кўринишига ва тектонофизик ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади. Улар ичидаги кучланишнинг тарқалиши унинг морфологияси, уни чегараловчи элементлар морфологияси, блокларнинг силжиши билан боғлиқ. Геодинамик шароитни реконструкция қилишни кўрсатишича ҳар бир блок бир-бирига нисбатан маълум бир йўналишда силжийди. Бир хил йўналишда силжийдиган иккита блок йўқ.

Омонтойтоғда қуйидаги участкалар ажратилган: Ғарбий, Марказий, Шимолий, Узун-Булоқ, уларнинг ҳар бири понасимон структурани ичида ўз структуравий позициясига эга. Шимолий участкасида блокнинг ғарбга қараб силжиши ҳисобига локал чўзилиш зонаси шаклланди. Блокнинг силжиши натижасида узилиш структуралари ҳосил бўлиши мумкин эди, уларнинг йўналиши блокнинг силжиши йўналишига перпендикулярдир. Бу узилишлар бўшлиғи – маъданли қоришмаларнинг циркуляцияси учун энг мос бўшлиқ ва улардан маъданли элементларни чўкишига мос шароит бўлиб, уларни концентрацияси томирсимон, линзасимон ва мураккаб шаклга эга бўлади. Ю.И. Зверевнинг (1983) маълумотига кўра, Шимолий участкасига томирсимон маъдан таналари хос.

Довғизтоғ маъданли майдони конларининг тектонофизик хусусиятлари ва шаклланишининг геодинамик шароитлари. Маъданли майдонда ўндан ортиқ маъдан намоёнлари ва конлар мавжуд. Конларнинг структуравий позициялари бир хил – улар Довғизтоғ-Асаукак узилмасини шимолий шарқий узилмалар билан тутатиш зонаси орқали аниқланади. Сиқилишнинг регионал тектоник кучланишида асосий маъдан назорат қилувчи шимолий-шарқий стратиграфлар сиқилиш йўналишига нисбатан 30⁰ли бурчак остида бўлган. Довғизтоғ-Асаукак узилмаси сиқилиш кучланиши йўналишида йўналади. Бундай позиция узилмани фаоллашувига олиб келди, у моделни марказига қараб миграцияланаётган тектоник кучларни катта энергиясини ютиб юборади. Узилмаларнинг фаоллиги маъданли майдонни тектонофизик ҳолатини белгилади. Маъдан олди босқичида геодинамик ҳолат узилмаларнинг фаоллиги ва блокларни силжиши билан характерланади.

Экспериментлардан олинган маълумотларга кўра маъдан олди босқичида, тугун майдони учун кучланишларни контраст тарқалиши характерли бўлган, бу Асаукак узилмасининг сурилиши натижасида ва блокларнинг жой алмашишлари билан келиб чиққан.

Жанубий-ғарбга қараб силжиган блок ўзининг шимолий қисмида понасимон шаклга эга, шу шакл ҳисобига блок сиқилишда жанубий ғарбга қараб силжийди. Бу жараён узилмаларни туташган участкаларида очилиб қолган зонани ҳосил қилган. Узилманинг очик зонасидан кейинроқ Довғизтоғ конининг шаклланиши содир бўлган. Худди шундай шаклланиш механизмига Асаукак ва Високовольтное конлари эга. Шу учта объектнинг барчаси Довғизтоғ узилмасининг шимолий-шарқий маъдан назорат қилувчи узилмалар билан туташган тугунига мансуб. Бу ҳолатда Довғизтоғ узилмасини маъдан тақсимловчи структура деса, узилмаларнинг туташган тугунларини – маъдан қамровчи деб атаса бўлади.

Диссертациянинг «**Олтин маъданлашувини шаклланиши ва жойлашишини геодинамик шароити**» деб номланган учинчи бобида тақиқотнинг геодинамик натижалари келтирилган. Маъдан ҳосил бўлиши даврининг геодинамик ҳолатини ўрганишни кўрсатишича Марказий Қизилқум минтақасида горизонтал тектоник ҳаракатлар аниқланади, у плиталар тектоникаси билан боқлиқ. Регионал шимолий-ғарбий йирик узилмалар учун вертикал ҳаракатлар кўпроқ хос, бу ҳақда ташлама-сурилмали ички узилмалар зонасининг силжиши мисол бўлади. Чуқур кўндаланг шимолий-шарқий узилмалар, шунингдек субмеридионал узилмалар регионал тектоник деформациялар таъсири остида ташлама-сурилма шаклида фаоллик кўрсатди, бунда амплитуда структураларнинг морфологияси билан боғлиқ бўлади. Кўрилатган худуднинг асосий хусусиятларидан бири, унинг блокли тузилишидир. Блокнинг чегараловчи элементлари унинг шимолий-ғарбий тарафидан ўтувчи фаоллашган ва чуқурлик, кўндаланг шимолий-шарқий узилмасидир. Узилмалар бўйича ҳаракат тектоник блоklarнинг геодинамикасига таъсир қилган. Узилмаларнинг морфологияси ва макондаги ўрни уларнинг тектоник жадаллиги ва характерини белгилади, бу билан блоklarнинг горизонтал ва вертикал юзалар бўйича силжишини белгилади. Блоklarнинг ҳаракати уларнинг кучланиш-деформацияланиши ҳолатини тубдан ўзгаришига сабаб бўлди, айниқса чегара зоналарда. Шу сабали чегара зоналарда тоғ жинсларининг кучланиш-деформацияланиши ўзгариб кетди. Бу ўзгаришлар локал сиқилиш ёки локал чўзилиш зоналарида ўз аксини топди, улар узилмалар бўйлаб жойлашиб узилмалар бўйича тектоник ҳаракатларни, геологик муҳитни физик ҳолатига таъсирини исботлаб берди.

Белтов майдонида маъдан назорат қилувчи структуралар орасида шимолий-шарқий, шимолий-ғарбий, субкенглик йўналишидаги узилмалар ажратиб туради. Бу тизимдаги узилмаларнинг ҳар бири маълум регионал геодинамик шароитда шаклланган. Маъдан ҳосил бўлиш даврида бу системадаги узилмалар пайдо бўлган эди. Уларни макондаги ўзаро алоқаси махсус структуравий элементларни – узилмаларнинг туташини ва кесишини шаклланишига олиб келди; узилмаларни синик ва тўлқинсимон юзаларидаги очилиб қолган қирралари, понасимон структуралар силжиганда очилиб қолган зоналар ва ҳ. к. маъдан ҳосил бўлишини назорат қилади.

Маъдан ҳосил бўлиш босқичида Белтов районининг майдони сиқилишининг регионал тектоник кучланиши таъсирида бўлган. Бу жараёнлар таъсирида майдоннинг кучланиш-деформацияланиши ўзгарди, ундаги узилмали структуралар ва тектоник блоклар фаоллашди. Майдони геодинамикаси регионал геодинамик шароит билан тўлиқ боғлиқ. Ауминзатов худудида маъдан ҳосил бўлиш босқичида геодинамик шароит бошқача бўлган. Бунинг асосий сабаби Марказий Қизилқумнинг регионал структураларидаги Ауминзатовнинг позициясидир. У Ауминзатовнинг узилмали структуранинг шимолий бортига мансублиги билан белгиланади, структура-формацион зонанинг чегарасидир. Бир вақтнинг ўзида бу узилма Ауминзатовнинг жанубий чегараси бўлиб хизмат қилади. Бундай структура – тектоник позицияда ва регионал тектоник кучлар таъсирида маъдан ҳосил бўлиш жараёнида Ауминзатовнинг геодинамикаси шаклланган.

Шу даврда чегараловчи узилма фаоллик кўрсатди, асосан вертикал юзида сурилма шаклида, морфологияси ўзгарган участкаларда (тўлқинсимон ўзгарган) локал горизонтал силжишлар содир бўлди. Шимолий-ғарбий субпараллел узилмалар ҳаракатчанг структурага айланди, улар ўткир бурчак остида структура-формацион зоналар узилмалари билан туташди ва бир қатор тектоник блокларни ҳосил қилди.

Ауминзатов майдонида жанубдан шимолга қараб геодинамик шароитнинг мураккаблашиши кузатилади, у қамровчи мухитни кучланиш-деформацияланиш ҳолатига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Шундай мураккаб геодинамик шароитда маъданли учатскаларнинг шаклланиши ва уларда олтин маъданлашувуни жойлашиши содир бўлди.

Диссертациянинг **«Ауминзатов ва Белтов тоғлари ва унинг атрофидаги ёпиқ худудларни башоратлаш-излаш мезонлари ҳамда улар истиқболлини баҳолаш»** деб номланган тўртинчи бобда ўхшашлик усулидан фойдаланиб, геология қидирув, мавзувий ишлар ўтказишда ва бизнинг тадқиқотлар натижасида аниқланган маъдан назорат қилувчи омиллар ҳамда шарт-шароитлардан фойдаланиб башоратлаш-излаш мезонлари ишлаб чиқилди: литологик, структуравий, геофизик геодинамик ва тектонофизик. Ушбу бобда ҳар бир мезон мукамал таърифланиб уларни ишлаб чиқилиши асосланди.

Ауминзатов ва Белтов майдонларида истиқболлилилик баҳоси комплексли тадқиқотлар: маъданлашувни жойлашиш шароитини геологик- структуравий тахлилини маъданлашувни назорат қилувчи омилларни ва унинг структуралардаги позициясини аниқлаб; аэрокосмогеологик тадқиқотлар; район бўйича геофизика маълумотларини тахлил қилиб; ер қобиғи участка структураларидаги кучланишни моделлаш бўйича экспериментал ишлар; маъдан ҳосил бўлиш давридаги геодинамик шароитни реконструкция қилиш натижалари бўйича бажарилди. Тадқиқотларнинг ҳарбир тури бўйича башоратлаш иши ўтказилди. Тектонофизик мезонлар бўйича район истиқболлини баҳолашда минимал тектоник кучланиш кўрсаткичлари олтин маъданлашуву учун мос экани ҳисобга олинди.

